

---

## Учбулак маҳалласида сайёр қабул ўтказилди

Бугун, 12 ноябр куни "Учбулак" маҳалла фуқаролар йиғинида туман ҳокими Қ.Джураевнинг маҳалла фуқаролари билан сайёр қабули бўлиб ўтди.



---

Ушбу жараён тумандаги тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида ташкил этилди.



Мазкур қабулда маҳалла фуқаролари ўзларининг ичимлик суви, имтиёзли нархлардаги кўмир маҳсулотлари таъминоти, электр темир-бетон таянчини алиштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун кредит олиш ва иш билан таъминлаш каби муурожаатларига сектор раҳбари ва соҳа мутахассислардан батафсил жавоблар олишди.



Маҳалла аҳолиси вакиллари билан юзма-юз мулоқот давомида 10 дан ортиқ мурожаат кўриб чиқилди.



Асосийси, бўлиб ўтган сайёр қабул давомида ҳар бир мурожаат бўйича аниқ вазифалар, унинг ечимлари бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Биз эса, мазкур сайёр қабулда маҳалла аҳлидан келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилиш натижалари ҳақида ҳам албатта бохабар этиб борамиз.

2020-11-12 23:48:24